



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «15» июнь

VI-28-5-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Сурхондарё вилоятида жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг хисоботи тўғрисида**

Ўтган давр мобайнида, вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятда жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида ички ишлар, давлат ва нодавлат идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

2021 йилнинг 3 оyi мобайнида вилоят ҳудудида содир этилган жиноятлар сони 375 тага (472/847) ёки 79,4 фоизга, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар сони эса 194 тага (302/496) ёки 64,2 фоизга ошган бўлсада жиноятнинг айрим турлари камайишига эришилган.

Жиноят турларидан: номусга тегиш жинояти 33,3 фоизга (3/2), одам ўлими билан боғлиқ ЙТХ 6,3 фоизга (32/30), жиноятни қастдан яшириш 100 фоизга (2/0) ва ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш жинояти 28,6 фоизга (7/5) камайган.

Шунингдек, умумий жиноятлар 15 та шаҳар-туманларнинг барчасида ошган, Бандихонда (4/20) 16 тага ёки 400,0 фоизга, Жарқўрғонда (30/69) 39 тага 130,0 фоизга, Узунда (19/42) 23 тага ёки 121,0 фоизга, Қизирикда (14/30) 16 тага ёки 114,3 фоизга, Термизда (42/88) 46 тага ёки 109,5 фоизга, Термиз шаҳрида (80/161) 81 тага ёки 101,3 фоизга, Деновда (67/130) 63 тага ёки 94,0 фоизга, Бойсунда (19/34) 15 тага ёки 79,0 фоизга, Шерободда (25/44) 19 тага ёки 76,0 фоизга, Қумқўрғонда (24/37) 13 тага ёки 54,0 фоизга, Музработда (21/32) 11 тага ёки 52,4 фоизга, Ангорда (24/36) 12 тага ёки 50,0 фоизга, Олтинсойда (25/36) 11 тага ёки 44,0 фоизга, Сариосиёда (39/47) 8 тага ёки 20,5 фоизга, Шўрчида (39/41) 2 тага ёки 5,1 фоизга ошган.

Бироқ, бу борада йўл қўйилган айрим хато, камчилликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар айрим йўналишларда жиноятларнинг

ошишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, ўта оғир турдаги жиноятлар Термиз шаҳрида (9/6), Шерободда (1/0), Сариосиёда (3/2), Олтинсойда (3/1), Узунда (2/0) ва Шўрчида (2/0) камайган, Ангорда (2/2) тенглашган бўлса-да, Термизда (2/16), Музработда (1/2), Бойсунда (0/1), Жарқўрғонда (0/1) ва Деновда (8/19) ошганлиги ҳисобига вилоятда 51,5 физга (33/50) ошган.

Шундан, оғир турдаги жиноятлар Шўрчида (8/4) ва Қумқўрғонда (6/4) камайган, Шерободда (5/6), Термиз шаҳрида (16/32), Термизда (16/19), Ангорда (1/4), Музработда (3/13), Бойсунда (3/7), Жарқўрғонда (4/13), Қизирикда (1/6), Деновда (7/25), Сариосиёда (6/8), Олтинсойда (5/6), Бандихон (0/2) ва Узун (0/12) ошганлиги ҳисобига вилоятда 98,8 физга (81/161) ошган.

Қотиллик жинояти Термиз шаҳри, Ангор ва Шерободда (1/0) камайган бўлсада, бироқ Жарқўрғонда (0/1) ва Деновда (1/3) ошганлиги ҳисобига вилоятда 20,0 фоизга (5/6) ошган.

Оғир тан жароҳати етказиш жинояти Термизда (1/0), Музработда (2/0) ва Бойсунда (1/0) камайган, Узунда (1/1) тенглашган бўлса-да Термиз шаҳрида (0/1), Шерободда (0/1), Жарқўрғонда (1/2), Деновда (0/3) ва Сариосиёда (0/2) ошганлиги ҳисобига вилоятда 66,7 фоизга (6/10) ошган.

Безорилик жинояти Термиз шаҳрида (4/1), Бойсунда (1/0), Шўрчида (1/0), Сариосиёда (3/1) камайган, Ангорда (1/1), Шерободда (1/1) ва Қизирикда (1/1) тенглашган бўлса-да, Музработда (0/2), Жарқўрғонда (1/4), Деновда (3/9), Қумқўрғонда (0/3), Олтинсойда (1/2) ва Узунда (2/5) ошганлиги ҳисобига вилоятда 57,9 физга (19/30) ошган.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари вилоятда 6,3 фоизга (32/30), Термизда (3/2), Ангорда (3/1), Музработда (3/0), Сариосиёда (3/2), Қумқўрғонда (2/1), Олтинсойда (4/0) ва Узунда (3/2) камайган, Термиз шаҳрида (2/2), Деновда (3/3) ва Қизирикда (1/1) тенглашган бўлса-да, Шерободда (0/3), Бойсунда (1/2), Жарқўрғонда (2/3), Шўрчида (2/5) ва Бандихонда (0/3) ошган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қилади:

1. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Исмоиловнинг “Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” йўналишида 2021 йилнинг I-чораги давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармониغا мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида аниқ

чора-тадбирлар белгилаб олсин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига 10 кун муддатда тақдим этсин.

3. Жорий йилнинг 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори асосида ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олсин ва 10 (ўн) кун муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этсин.

4. Сурхондарё вилоятида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ички ишлар органлари ҳамда масъул идора ва муассасалар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Бандихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи майор А.Бердиназаров, Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник Б.Хидиров ва Узун тумани ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник М.Ишқараевларнинг жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти “талаб даражасида эмас” деб топилсин.

6. Ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида профилактик чора-тадбирлар кучайтирилсин ва ҳар ой якунида амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин.

Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг вилоятда жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан хисоботи ҳар чоракда, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашида эшитиб борилсин.

7. Келгусида жиноятчиликни жиловлаш мақсадида асосий эътиборни айнан ижтимоий-маиший муаммолари мавжуд бўлган шахслар билан “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш услубида профилактик аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинсин ва 10 (ўн) кун муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этсин.

8. Шаҳар-туман ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика (*катта*) инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 февраль кунидаги 8-сонли йиғилиш баёни 26-банди талаблари асосида, Шеробод ва Шўрчи туманлари аҳолиси зич

жойлашганлиги, криминоген вазияти оғирлиги, ушбу туманлар ҳудуди бўйлаб М-39 ҳамда М-41 магистраль йўлларининг кесиб ўтганлиги, жиноятлар салмоғи юқорилиги, кўча ва жамоат жойларида аҳоли доимий гавжумлигини инобатга олиб, белгиланган тартибда маҳаллий бюджет ҳисобидан (20 нафардан 40 нафар) патруль-пост бўлинмалари ташкил этиш масаласи вилоят молия бошқармаси билан келишган ҳолда амалга ошириш белгилаб кўйилсин.

10. Амалга оширилаётган ижобий амалиёт маълумотлар асосида умумий ахборот тайёрланиб, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилсин.

11. Вилоят прокурори С.Турдиев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Исмоиловларга:

жиноятларнинг айрим турлари ошган ҳудудлардаги криминоген вазиятни танқидий таҳлил қилиб, уларнинг ортиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилишга қаратилган қатъий чоралар кўриш;

Жиноятчиликни жиловлаш ижтимоий-маиший муаммолари мавжуд бўлган шахслар билан “маҳаллабай” ва “фуқаробай” услубида ишларни ташкил этиш;

муқаддам судланганлар, узоқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган шахслар, шартли озод этилганлар, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларни иш билан таъминлаш чораларини кўриб бориш;

қидирув ишлари жадаллаштирилсин, бунда асосий этибор диний экстремистик оқим аъзоларига нисбатан қидирув ишларини ташкиллаштиришда жойлардаги диний экстремизм ва терроризм йўналиши ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

саноат, банк, молия-кредит тизимида, ўрта ва кичик бизнес ҳамда ижтимоий соҳаларда давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза этиш, назорат ва ижро этувчи органлар ходимлари томонидан содир этилаётган порахўрлик, товламачилик, ўзлаштириш, фирибгарлик ҳамда бошқа иқтисодий жиноятларни олдини олиш мақсадида раҳбар ходимларни жиддий огоҳлантириб бориш;

қўшни давлатлардан вилоят ҳудудига кириб келаётган ва транзит қилинаётган наркотик моддаларни аниқлаш мақсадида, чегара блок постлари, мунтазам ЙПХ масканларига бириктирилган мутасадди раҳбарлар ва ходимларнинг масъулиятини ошириш;

одам савдоси билан жабрланган фуқароларнинг мурожаатлар бўйича тўлиқ ва ҳолисона текширувлар ўтказилишини алоҳида назоратга олиш;

ҳар ойда жиноятчиликка қарши курашиш, уларни фош этиш, қидирувдагиларни ушлаш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш ва бошқа оғир турдаги жиноятларни фош этиш борасида прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига индивидуал баҳо бериб бориш вазифалари юклатилсин.

халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳар ой якунида юқоридаги белгиланган вазифалар бўйича ахборот киритиб борсин.

12. Вилоят прокурори С.Турдиев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Исмоилов, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи С.Эшматовларга:

вилоят ҳудудида содир этилаётган ҳар бир жиноятларни жиноят содир этилган маҳаллаларда жамоатчилик вакиллари, фуқаролар ҳамда жиноят содир этган шахслар билан сектор раҳбарлари, ёшлар агентлиги, бандлик ва тегишли идора ташкилотлар иштирокида муҳокама этиб бориш;

жиноят содир этган шахсларни оилавий шарт-шароитлари, муаммолари, жиноят содир этиш сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, олдини олиш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

13. Жорий йилнинг 10 май кунига қадар вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Исмоилов) вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан, яъни умумий, ўта оғир типдаги, оғир турдаги, қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, безорилик жиноятлари ва ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари жорий йилнинг I-чорагида ошганлиги учун кўрилган чоралар ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун аниқ йўл хатитаси ишлаб чиқилсин ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этсин.

14. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Исмоилов), Ўзбекистон ёшлар ишлари Агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Чориев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (У.Чориев)га 10 кун муддатда алоҳида дастур ишлаб чиқиб, Термиз шаҳар ва туманлардаги профилактик ҳисобда турувчи, тарбияси оғир ёшларни вилоятимиздаги ҳарбий қисмларга бириктирсин ҳамда жорий йилнинг 15 июнь кунига қадар бириктирилган ҳарбий қисмларга 10 кунлик машғулотларга ёшларни жалб этсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Эшмуратов зиммасига юклатилсин.

16. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**